

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**289** Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сонли Фармонини ижро этиш ҳамда қўмига юклатилган асосий вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тузилмасида ҳудудий филиаллар билан биргаликда Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

касб-хунар коллежлари негизида, машғулотлардан бўш пайтларда бизнесни юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа зарур фанларни ўқитган ҳолда хусусийлаштирилган корхоналар негизида лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун ўқув курсларини ташкил этиш;

тадбиркорлар томонидан инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ зарур маълумотларни олишда кўмаклашиш, шунингдек, инвестиция жараёнини амалга оширишнинг барча босқичларида тадбиркорларга ҳамроҳлик қилиш;

ходимларни танлаш ва ўқитишда, уларнинг касбий малакасини доимий ошириб боришда тадбиркорларга ёрдам кўрсатиш;

ўқишни ташкил қилиш учун олий таълим муассасалари, касб-хунар коллежлари ўқитувчиларини, вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, республикада ишлаётган катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

марказ фаолияти йўналишлари бўйича халқаро молия институтлари, хорижий донорлар ва чет мамлакатлардаги тадбиркорларни ўқитиш марказлари билан ҳамкорлик қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус ва касб-хунар таълими маркази, Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банк ва тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика марказининг ўқув курсларини ўтказишда фаол иштирок этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бир ой муддатда, марказ харажатлари давлат бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланишини назарда тутган ҳолда, Тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш республика маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси, унинг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 125 нафардан иборат марказий аппарати тузилмаси 1- ва 2-иловаларга* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг тузилмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари намунавий тузилмалари 3- ва 3а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раисига, зарур ҳолларда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида қўмита марказий аппарати ва ҳудудий органлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган «2017-2018 йилларда хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашишнинг «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастури» 4-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қайта ташкил этилиши муносабати билан тегишлилиги бўйича йиғимлар ва бошқа тўловлар ундирилмаган ҳолда қуйидагиларни амалга оширсин:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органларига ўтаётган автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида қайта рўйхатдан ўтказиш;

кўчмас мулк ва бошқа мулкларга бўлган ҳуқуқларни тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига ва унинг ҳудудий органларига қайта рўйхатдан ўтказиш;

* 1 — 4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

хўжалик жамиятларининг таъсис хужжатларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

5. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан аввал берилган лицензиялар, ҳуқуқни белгилловчи, рухсат берувчи хужжатлар ҳамда улар томонидан аввал қабул қилинган қарорлар ўз кучини сақлаб қолади ва у қайта ташкил этилиши муносабати билан бекор қилинмайди ёки ўзгартирилмайди;

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан савдога қўйилган объектлар бўйича сотувчи функциялари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари томонидан амалга оширилади, бунда Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиши муносабати билан савдоларнинг шартлари ва турлари ўзгармай қолади, объектлар эса савдолардан олинмайди, қайта баҳоланмайди ва савдоларга такроран қўйилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уйга жойлаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин;

бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
ПҚ–2897-сон